

4. Chaturvedi K., Vishwakarma D. K., Singh N. COVID-19 and its impact on education, social life and mental health of students: A survey //Children and youth services review. – 2021. – Т. 121. – С. 105866.
5. Sari R., Soytas U. Income and education in Turkey: A multivariate analysis //Education Economics. – 2006. – Т. 14. – №. 2. – С. 181-196.
6. Sumner A., Hoy C., Ortiz-Juarez E. Estimates of the Impact of COVID-19 on Global Poverty. – WIDER working paper, 2020. – №. 2020/43.
7. Lin T., Lv H. The effects of family income on children's education: An empirical analysis of CHNS data //Research on Modern Higher Education. – 2017. – Т. 4. – С. 02002.
8. Kodde D. A., Ritzen J. M. M. Direct and indirect effects of parental education level on the demand for higher education //Journal of Human Resources. – 1988. – С. 356-371.
9. Kinsler J., Pavan R. Family income and higher education choices: The importance of accounting for college quality //Journal of human capital. – 2011. – Т. 5. – №. 4. – С. 453-477.
10. Nazarova B. et al. Education Development In Uzbekistan //Voice of Research. – 2015. – Т. 43.
11. Acemoglu D., Pischke J. S. Changes in the wage structure, family income, and children's education //European Economic Review. – 2001. – Т. 45. – №. 4-6. – С. 890-904.
12. Reardon T. et al. Effects of non-farm employment on rural income inequality in developing countries: an investment perspective //Journal of agricultural economics. – 2000. – Т. 51. – №. 2. – С. 266-288.
13. Sari R., Soytas U. Income and education in Turkey: A multivariate analysis //Education Economics. – 2006. – Т. 14. – №. 2. – С. 181-196.
14. Hoang T. X., Pham C. S., Ulubaşoğlu M. A. Non-farm activity, household expenditure, and poverty reduction in rural Vietnam: 2002–2008 //World Development. – 2014. – Т. 64. – С. 554-568.
15. Barber B. L., Stone M. R., Eccles J. S. Adolescent participation in organized activities //What Do Children Need to Flourish?. – Springer, Boston, MA, 2005. – С. 133-146.
16. Daoud J. I. Multicollinearity and regression analysis //Journal of Physics: Conference Series. – IOP Publishing, 2017. – Т. 949. – №. 1. – С. 012009.
17. Al-Malkawi H. A. N. Determinants of corporate dividend policy in Jordan: an application of the Tobit model //Journal of Economic and Administrative Sciences. – 2007.
18. Adeboye N. O., Fagoyinbo I. S., Olatayo T. O. Estimation of the effect of multicollinearity on the standard error for regression coefficients //Journal of Mathematics. – 2014. – Т. 10. – №. 4. – С. 16-20.
19. Fullerton A. S. A conceptual framework for ordered logistic regression models //Sociological methods & research. – 2009. – Т. 38. – №. 2. – С. 306-347.
20. Nwakuya M. T., Mmaduka O. Ordered logistic regression on the mental health of undergraduate students //International Journal of Probability and Statistics. – 2019. – Т. 8. – №. 1. – С. 14-18.
21. <https://www.humanium.org>

АГРАР СОҲАНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ЛИЗИНГ ҲИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Эркинхожиев Исмоилжон Икромжон ўғли -
Тошкент давлат аграр университети
мустақил изланувчи**

Аннотация. Уибу мақолада ҳозирги пайтда аграр соҳани молиялаштиришда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, қишлоқ ҳўжалиги техникаларини лизинга беришда давлат томонидан ташкилий-иқтисодий қўллаб-кувватлаш, чуқур таркибий ўзгаришлар натижасида аграр соҳада қишлоқ ҳўжалиги техника воситаларидан фойдаланишининг ташкилий ва иқтисодий омиллари кўриб чиқилган.

Асосий тушунчалар: аграр, молиялаштириш, қишлоқ ҳўжалиги, техника, фермер ҳўжалиги, иқтисодий, омил, восита, ишлаб чиқариш, ташкилий-иқтисодий, машинасозлиги, самарадорлик.

ПУТИ РАЗВИТИЯ ЛИЗИНГОВЫХ УСЛУГ В ФИНАНСИРОВАНИИ АГРАРНОГО СЕКТОРА

**Эркинхожиев Исмоилжон Икромжон угли -
Ташкентский государственный аграрный
Университет соискатель**

Аннотация. В данной статье рассмотрены реформы проводимые в системе финансирования аграрного сектора на современном этапе, организационно-экономическая поддержка со стороны государства в предоставлении сельскохозяйственной техники на основе лизинга, организационно-экономические факторы использования сельскохозяйственной техники в аграрном секторе на фоне коренных структурных преобразований.

Ключевые слова: аграрный, финансование, сельскохозяйственный, технический, фермерский, экономический, фактор, средства, производственный, организационно-экономический, машиностроительный, эффективность.

WAYS OF DEVELOPMENT OF LEASING SERVICES IN FINANCING OF
THE AGRICULTURAL SECTOR

*Erkinkhojiev Ismoiljon Икромжон угли -
Tashkent state agrarian university
researcher*

Abstract. This article discusses the reforms carried out in the system of financing the agricultural sector at the present stage, organizational and economic support from the state in the provision of agricultural machinery on the basis of leasing, organizational and economic factors for the use of agricultural machinery in the agricultural sector against the backdrop of fundamental structural changes.

Keywords: agrarian, financing, agricultural, technical, farm, economic, factor, means, production, organizational-economic, machine-building, efficiency.

Кириш. Жаҳонда аграр соҳаси ривожланган барча мамлакатлар иқтисодиётида бўлгани каби, мамлакатимизда хам, аграр соҳа асосий молиявий қўллаб-қувватланадиган тармоқлардан биридир. Чекланган бюджет маблағлари шароитида агросаноат мажмуасини бюджетдан қўллаб-қувватлашни оптималлаштириш ниҳоятда муҳимдир. Мамлакатда аграр сиёсатни жадал ривожлантириш, самараисиз бюджет маблағларини қисқартириш, агросаноат мажмуасини бюджетдан молиялаштиришнинг шаффоғлигини ошириш муҳим вазифа ҳисобланмоқда. Иқтисодий ривожланган давлатларда аграр соҳага тўғридан-тўғри давлат ёрдами миқдори мамлакатнинг даромад даражасига боғлиқдир. Масалан АҚШда унинг ҳажми тахминан 1%, Евropa Иттифоқи давлатларида 1,3%, Японияда ялпи ички маҳсулотнинг 1,4% ни ташкил этади. Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган аграр соҳани давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш, жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган айrim қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ажратилган тижорат кредитларининг фоиз ставкаларини субсидиялаш зарур. Ушбу ҳолат аграр соҳа корхоналарининг лизинг ва кредит тўловига лаёқатлилиги даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчilarини лизинг хизматлари жараёнини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиш амалиётини такомиллаштириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган илмий муаммо ҳисобланади. Ҳозирда қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида берувчи «Ўзагролизинг» Аксиядорлик Жамияти мавжуд бўлиб, асосий вазифаси мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини техник базасини мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда.[1,11,12]

Адабиётлар таҳлили. Аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлашнинг зарурлиги, қишлоқ хўжалик техникаларини лизинга бериш ҳизматларини ривожлантириш бўйича бир қатор аграр иқтисодчи олимлар томонидан атрофлича тадқиқ қилинган. Жумладан Р.Хусанов[3], Р.Р.Раджапов[10], Қ.А.Чориев[4], И.Рафиков[3]-лар ўз илмий ишланмаларида бу масаланинг илмий ва амалий жиҳатларини асослашган.

Проф. Ж.Синкининг хulosасига кўра, тараққий этган мамлакатларнинг барчасида давлат қишлоқ хўжалиги субъектларини молиялаштириш жараёнини фаол тарзда қўллаб-қувватлайди. Масалан, АҚШда тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига берилган кредитларнинг фоиз ставкасини бир қисми давлат маблағлари ҳисобидан субсидияланади. Шунингдек, фермер хўжаликларига депозит, кредит ва ҳисоб-китоб хизмати кўрсатадиган тижорат банклариға фермерларнинг ер майдонлари ва биноларини гаровга олган ҳолда 40 йилгача муддатга кредит бериш ҳуқуқи берилган[16].

И.Петренко ва П.Чужиновларнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалигининг табиий иқлим шароитлари, ишлаб чиқариш циклининг муддати каби хусусиятларининг мавжудлиги сабабли қишлоқ хўжалиги кредит бозори узлуксиз амал қила олмайди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги давлатнинг тўғридан-тўғри дотациялар, имтиёзли кредитлар шаклида фаол молиявий қўллаб-қувватлашини талаб қиласди. Бироқ, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кредитланиши кўпинча кутилган натижаларни бермаяпти. Жумладан, бу каби кредитларнинг қайтарилиш даражаси пастлигича қолмоқда. Маълумки, қишлоқ хўжалигига ажратиладиган чекланган давлат маблағлари аграр секторнинг кредит маблағларига бўлган эҳтиёжларини қаноатлантира олмайди [17].

Н.Фигуровскаянинг хulosасига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиялаштириш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши керак ва бунда асосий эътибор давлат бюджетидан ресурслар

ажратиш ва бонификацияга қаратилиши көрек[18].

К.Пиплзнинг хulosасига кўра, банклар томонидан фермер хўжаликлариға бериладиган узоқ муддатли инвестицион кредитларни бериш жараёнида ушбу кредитларнинг фоиз ставкаларини давлат томонидан тартибга солиб туриш муҳимдир [19].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, тараққий этган мамлакатларда солиқ тартишнинг асосий мақсади бўлиб, аграр секторни ривожлантириш учун зарур бўлган нисбатан қулай муҳит яратиш ҳисобланади, ушбу мамлакатларда солиқ имтиёзлари қишлоқ хўжалигидаги илмий-техника тараққиётини тартибга солишда муҳим ўрин тутади. Масалан, АҚШда фермерларнинг ишлаб чиқаришнинг устувор йўналишларига инвестиция қилинган фойдасининг 25 фоизигача бўлган қисми солиқдан озод қилинади, Европа Иттифоқи мамлакатларида эса, фермерларнинг солиқ тўловларининг бир қисми давлат бюджетидан қоплаб берилади[20].

С.Исмайлованинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги техникаларини молиялаштириш мақсадида давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар ҳажмини кўпайтириш йўли билан техника ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин[21].

Д.Муродованинг хulosасига кўра, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган кредитларнинг имтиёзли фоиз ставкаси билан бозор ставкаси ўртасидаги фарқ суммасини давлат томонидан тижорат банкларига тўлаб берилишини нисбатан самарали эканлиги ўз исботини топди [22].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг асосий вазифаси аграр соҳани молиялаштиришда қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг бериш хизматларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат. Бу борада, қиёсий таҳлил, мантиқий фикрлаш, индукция ва дудукция усуслари қўлланилди. Умумман олганда лизинг бу молиявий операция ҳисобланади. Шунингдек лизинг ўз асосида мақсадли кредит ҳамдир. Ўзбекистонда лизинг операциялар асосида ҳозирги пайтда бир қанча масалаларни ечиш мумкин, улардан: ишлаб чиқариш воситаларни янгилаш, асосий воситаларни сотиб олиш учун мақсадли кредитлаш, инвестиция қилинган маблағлар ва ташкилотнинг самарали ишлашини назорат қилиш, лизинг системаси орқали энг самарали ишлаб чиқаришни ривожлантириш мумкин. Лизинг муносабатлар турлари кўплиги шартнома томонларига, ҳар хил схемалар амалга ошириш орқали, бир қанча қулайликлар яратади. Ўзбекистонда

лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникаларини етказиб беришда қуйидаги З турдаги иқтисодий механизмдан фойдаланилмоқда: лизинг компанияси томонидан қарз (кредит)га олинган маблағ ҳисобидан лизинг обьектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши, тижорат банклари томонидан Марказий банкдан олинган кредит ёки ўз маблағи ҳисобидан лизинг обьектини сотиб олиб, лизинг олувчига етказиб берилиши, тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги корхонасига техника сотиб олиш учун кредит ажратилиши. [2,6,9]

Қишлоқ хўжалигидаги техника одатда қишлоқ хўжалиги обьектларида ва корхоналарда қўлланилади. Агросаноат мажмуаси учун ресурслар бозорининг энг муҳим таркибий қисми эса қишлоқ хўжалиги техникиаси бозори ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш активлари унинг техник базаси, агротехник салоҳияти ривожланиш суръати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини оширади. Қишлоқ хўжалиги техникиаси замонавий технологияларнинг энг инқиlobий ихтиrolаридан биридир. Одамларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи доимо инновацион техника ва технологияларни ривожлантиришга сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалиги техникиаси аграр соҳада экинларни етиштиришни, ўсимликларни экиш ва тайёр маҳсулотни йиғиши усулини такомиллаштирилган даврдан бошлаб кириб келган.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигидаги техниканинг ривожланиши бутун дунё бўйлаб одамларнинг агросиёсий услугбларини ўзгартириди. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иш вақти ва иш ҳақини тежашга сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалиги техникиаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида барча техник эҳтиёжларни қондиришга қодир. Ҳар бир қишлоқ хўжалиги техникиаси аниқ вазифаларни бажариш учун мўлжалланган ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, техника энг қисқа вақт ичida максимал ишлашга эришиш имкониятини беради.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги ПҚ-4410-сонли «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мувофиқ: қишлоқ хўжалиги техникиасини етказиб бериш учун буюртмалар портфелини шакллантириш устувор равищда бир йилда икки марта – февраль-март ва сентябрь-октябрь ойларида маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари иштирокида ўтказиладиган худудий ярмаркалар

давомида амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчиларга қишлоқ хұжалик техникаси учун олдиндан түлов етказиб берилаётган техника нархининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдорда техникани етказиб берилишидан 120 кундан кам бўлмаган муддатда, якуний ҳисоб-китоб эса етказиб берилган техника қабул қилингандан кейин 10 иш куни давомида амалга оширилади. Ўзбекистонда аграр соҳаси серқирра бўлиб, пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик каби бир неча хил йўналишлардан иборат. Ҳар бир соҳа ўз ишлаб чиқариш хусусиятига қараб ҳар хил турдаги қишлоқ хұжалик техникалари етказиб берилишини талаб этади. «Ўзагролизинг» Аксиядорлик Жамияти томонидан қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқариш соҳасининг ҳар хил йўналишдаги хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, фермер хұжаликлари қишлоқ хұжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб берилмоқда.[5,7,10]

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқотлар шуни кўрсатади, «Ўзагролизинг» аксиядорлик жамияти томонидан 2021 йилнинг 1-чорагида Республика қишлоқ хұжалигига умумий қиймати 128,9 млрд. сўм бўлган 1330 дона қишлоқ хұжалик техникалари лизингга етказиб берилди. Бу кўрсаткич ўтган 2020 йилнинг шу даврига нисбатан техникаларни сони бўйича 103,7 фоиз-

га ўсишга еришилди. 2021 йил 1-чорагида 22 дона “Арион-630с”, 44 дона “Т6070”, 18 дона “ТД5.110”, 9 дона “ТТ3-812”, 16 дона “Нурафшон Н-81”, 1 дона “Ахос”, 39 дона “ТТ3-811”, 12 дона “Нурафшон Н-81 С” русумли чопик ва транспорт тракторлари, 6 дона “ТТ-40”, “И38” русумли боғдорчилик тракторлари, 7 дона “Доминатор-130” ва “Вектор-410” русумли 227 дона фалла ўриш комбайнлари, 70 дона култиваторлар, 464 дона пуркагичлар, 62 дона экиш сеялкалари, 23 дона лазерли ер текислагичлар ва 537 дона бошқа турдаги турли русумдаги агрегатлар лизингга етказиб берилди.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида қишлоқ хұжалиги корхоналарига янги турдаги “Сампо Крантас С8” русумли фалла ўриш комбайнлари, “ТТ3-812” ва “Нурафшон” русумли тракторлари, “Маркант-650” русумли хашакни тойлаб зичлагичлар, “2 ПТС-6” русумли трактор тиркамалари, мотоблоклар лизингга етказиб берилиб, лизинг асосида етказиб бериладиган техникаларнинг жами тури 125 тага етказилди. “Ўзагролизинг” аксиядорлик жамияти томонидан Республика қишлоқ хұжалиги машинасозлик корхоналарига қишлоқ хұжалиги техникалари учун 2021 йил 1-чорагида жами 234,4 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар молиялаштириб берилди.



Расм. Лизинг операцияларининг асосий восита турлари бўйича тақсимланиши[15]

Шундан: “Тошкент қишлоқ хұжалик техникаси заводи”га – 56,7 млрд. сўм; “ЎзКЛАА Сагро” қўшма корхонасига – 59,9 млрд. сўм; АЖ “Чирчиқ қишлоқ хұжалиги техникаси заводи” – 29,4 млрд. сўм, “ЎзКейсмаш” ҚҚга – 25,2 млрд. сўм, “Технолог” АЖга – 1,6 млрд. сўм, “Ургенч-кормаш” АЖга – 2,6 млрд. сўм, “ЛЕМКЕН Чирчиқ” МЧЖ ҚҚга – 5,8 млрд. сўм, “Крантас Групп” МЧЖга – 7,5 млрд. сўм, “Тошкент-Агротрактор” МЧЖга – 12,1 млрд. сўм, “Лизинг техника сервис” МЧЖга – 12,4 млрд. сўм, “Норин Мото Бике” МЧЖ га – 4,7 млрд. сўм. Бошқа ишлаб чиқарувчиларга – 16,5 млрд. сўм молиялаштириб берилди. 2021 йил 3 ой давомида амалга оширилган ишлар натижасида Жамиятнинг соғ активлари ҳисобот даврига 151,8 млрд. сўмни ташкил етиб, ҳисобот давр бошига нисбатан 8,7 млрд. сўмга ўсади. Жамиятнинг 2021 йил 3 ой

Трактор” МЧЖга – 12,1 млрд. сўм, “Лизинг техника сервис” МЧЖга – 12,4 млрд. сўм, “Норин Мото Бике” МЧЖ га – 4,7 млрд. сўм. Бошқа ишлаб чиқарувчиларга – 16,5 млрд. сўм молиялаштириб берилди. 2021 йил 3 ой давомида амалга оширилган ишлар натижасида Жамиятнинг соғ активлари ҳисобот даврига 151,8 млрд. сўмни ташкил етиб, ҳисобот давр бошига нисбатан 8,7 млрд. сўмга ўсади. Жамиятнинг 2021 йил 3 ой

якуни бўйича соф фойдаси 1,0 млрд. сўм режалаштирилган бўлиб, хақиқатда 7,3 млрд.сўмни ёки “Бизнес- режа”га нисбатан 6,3 млрд. сўмга кўп бўлди. 2021 йилнинг 3 ой давомида лизинг лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклардан 100,0 млрд. сўм ҳамда 5,0 млн. долларда кредитлар жалб қилинди, 24,6 млрд. сўм миқдорида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Жамғармаси маблағлари ўзлаштирилди. [15, 10, 8]

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги илмий тадқиқотлардан хулоса қилган ҳолда, аграр соҳани молиялаштириш кўпгина омилларининг ўзаро таъсири натижаси бўлиб ҳисобланган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий натижаларини лизинг компаниялари ва тижорат банкларини лизинг бозоридаги иштироқини соғлом рақобат муҳити асосида ташкил этиш, ҳамда уларнинг бозордаги улушкини мувофиқлаштириш учун хукумат томонидан келгуси давр учун ҳар икки лизинг бозори субъектларига ҳуқуқий асос яратган ҳолда маълум бир миқдордаги қийматда лизинг операциясини амалга ошириш режасини қўйиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек:

- Республикада ҳозирги замон талабидан келиб чиқсан ҳолда, ерларни ҳайдашда иштадиган омочлар, маҳаллий ўғитларни сепадиган мосламалар, замонавий юқори унумли ҳайдов тракторлари ва чорвачилик ем-хашак ўриш техникаларини лизингга бериш ҳажмларини янада қўпайтириш, мева-сабзавот ва боғдорчилик соҳаси учун зарур бўлган мини тракторлар ҳамда чорва озуқасини қайта ишлаш ускуналарини лизингга беришни йўлга қўйиш;

- ҳайдов тракторлари ва ғалла ўриш комбайнларига қайта агрегатланадиган ва ҳар хил функционал жараёнларни бажариш имкониятига эга бўлган шлейф техникаларни лизингга беришни янада қўпайтириш;

- тижорат банклари томонидан лизинг операцияларини амалга ошириш ҳамда қўйилган талабни бажариш имкониятини яратиш учун ҳар бир тижорат банклари ўзининг кредит

ресурсларидан маълум бир белгиланган миқдорини лизинг бозорига йўналтириши зарур;

- лизинг хизматлари бозорида тижорат банкларининг фаоллигини ошириш учун маҳсус мақсадли лизинг жамғармалари ташкил этиш ва лизинг жараёнида солиқ имтиёзлари ҳамда преференциялар жорий этиш лозим;

- лизинг бозорини ривожланиш истиқболларини белгилашда ҳудудлар миқёсида лизинг жараёнлари мониторингини чуқур таҳлил қилган ҳолда муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ечимини ҳисобга олиб стратегик дастурлар тузиш.

- фермер хўжаликларига бериладиган узоқ муддатли лизинг ва инвестицион кредитларни бериш жараёни ва уларнинг фоиз ставкалари давлат томонидан тартибга солиб турилиши зарур [13, 14].

Аграр соҳани молиялаштиришда лизинг хизматлари бозори тармоқ сифатида бошқа ривожланиб бораётган хизмат кўрсатувчи тармоқлардан бир қанча хусусиятлари билан ажралиб туради. «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти ўзининг ривожланиш даврида лизинг хизматлари бозорида рақобатбардошлик ва молиявий кўрсаткичларнинг бир маромда ўсишини таъминлашда, ишбилармон ҳамкорлар ва мижозларда илиқ репутацияни шакллантиришда иқтисодий ва бошқарув потенциалидан самарали фойдаланмоқда. Аграр соҳада лизинг ўзига хос хусусият билан қаралади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳам, техника-ускуналар етказиб берувчилар ҳам лизингдан манфаатдор, чунки лизинг операциялари ўз маҳсулотлари бозорларини кенгайтириш ва маблағ этишмаслиги сабабли мулкни тўлиқ нарҳда сотиб олишга қурби етмайдиган истеъмолчилик ҳисобига унга талабни ошириш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда ушбу йўналишларни амалга ошириш аграр соҳада лизинг самарадорлиги ва мамлакат агросаноат комплексининг молиявий жозибадорлигини оширади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 июлдаги «Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-4410-сонли қарори.
2. Зокиров О., Худойбердиев Т., Пардаев А. Агроиқтисодиётни эркинлаштириш шароитида техникадан самарали фойдаланиш.-Т., «Fan va tehnologiya» нашриёти. -2005й.
3. Ҳусанов Р.Ҳ., Ҳамдамов А.Н., Рафиқов И.Э. Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати. Муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш муаммолари.-Т.: Янги аср авлоди, 2001. 11 б.
4. Чориев К.А. Формирование и совершенствование механизма эффективного использования ресурсного потенциала сельского хозяйства (на примере Республики Узбекистан): Афтореферат дисс. на уч степ. д.э.н. - Т.: ЎзБИИТИ, 2003.- 28 с.
5. Эркинхожиев И.И “Пути решения проблем в сфере сельскохозяйственного машиностроения Республики Узбекистан ” // Вестник аграрной науки Узбекистана// 3(77) 2019. 171-174 ст.

6. Ларионов В.И. Повышение эффективности использования сельскохозяйственной техники на современном этапе / В.И. Ларионов // Актуальные вопросы аграрной науки. 2015. № 15. С. 49-57.
7. Левченко А.В. Повышение эффективности использования МТП сельскохозяйственных организаций / А.В. Левченко // Техника и оборудование для села. - №4. - 2018. С. 33-38.
8. Мирзаев М. Қишлоқ хұжалиги техникаларидан самараали фойдаланиш үйләр // Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хұжалигыда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мұаммолари: Республика илмий-амалый конференция материаллари. – Тошкент, 2004. 21-22 май, 333-335 б.
9. Раджапов Р. Машина трактор парклари билан фермер хұжаликлари ўртасидаги иқтисодий мұносадабаттарни тақомиллаштириш // Бозор ислоҳотларини чукурлаштиришининг асосий үйналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириши: Республика илмий-амалый конференция материаллари. – Тошкент, 1998. 14-15 май, 9-12 б.
10. Конкин Ю.А., Зимин Н.Е. Резервы технического сервиса машин – в действие // Ж. Механизация и электрификация сельского хозяйства. -1997. -№ 9. -С. 2-4.
11. Имомов Р. Н "Давлат томонидан қишлоқ хұжалигини молиявий құллаб-құвватлаш тизимини тақомиллаштириш" и.ф.ф.д. илм. дар. олиш учун ёзилған диссертация авторефериати. - Т.: Молия институты, 2020.-26 б.
12. Рахимов Б.И., Камолов Х. Қишлоқ хұжалигыда моддий-техника ресурслари бозорининг шаклланиши // Иқтисодиёт ва таълим. -2004. -№ 4. -Б.12-15.
13. Бозоров Р.Х. Лизинг – инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришининг муҳим шакли// "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2017 йил.
14. Муродова.Д.Ч. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг илмий-назарий асослари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.
15. "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти ва finance.uz сайт маълумотлари.
16. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.Альпина Паблишер., 2017. – С. 596-597.
17. Петренко И.Я., Чужинов П.И. Экономика сельскохозяйственного производства. – Алма-Ата: Кайнар, 1992. – С. 434-437.
18. Фигуровская Н. Современное состояние сельского хозяйства требует результативных действий государства//Экономист. – Москва, 2009. – №8. – С. 43.
19. Пиплз К. Развитие системы сельскохозяйственного кредита в США: уроки для России//Вопросы экономики. – Москва, 1997. - №8. – С. 156.
20. Кириченко Д. А. Исследование вопросов современного состояния налогового учета расходов сельскохозяйственных организаций // Аудит и финансовый анализ. – 2012. – №2. – С. 92-96; Зарубежный опыт государственной поддержки производства зерновых культур//Научная электронная библиотека "Киберленинка". URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/zarubezhnyy-opyt-gosudarstvennoy-podderzhki-proizvodstva-zernovuyh-kultur> (дата обращения: 25.09.2018).
21. Исмайлова С.С. Ўзбекистон Агросаноат мажмуасида лизинг фаолиятини ривожлантиришининг иқтисодий асослари. И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автореф.– Тошкент, 2009. – Б. 15.
22. Муродова Д.Ч. Қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқарувчиларини микромолиялашнинг методологик асосларини тақомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 56 б.